Мовароуннаҳрда Мирзо Улугбекнинг 40 йиллик ҳокимлик даврида Самарқанд янада гуллаб-яшнади: ҳунармандчилик, меъморчилик ва адабиёт раванқ топти, илм-фан тез юксалди. Мирзо Улугбекнинг фармойиши билан республикамиз худудларида ҳозиргача бизга етиб келган 4000 ноёб меъморий ёдгорликларнинг баъзилари, масалан, 1417 йилда Бухорода, 1420 йилда Самарқандда, 1432—33 йилларда Ҳисорда мадрасалар қурилди. Улардан дивий фанлар билан бирга дунёвий фанлар, жумладан математика, механика, фалакийёт (астрономия) ва бошқа фанлар ўқитилди. Бундан ташқари қурилиши битмасдан қолган Биби-хоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шохи Зинда ансамбллари қурилишлари поёнига етказилди.

Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ҳақида гап кетганда унинг жаҳон тарихига қўшган улкан ҳиссаси сифатида «Тўрт улус» ва «Тарихи арбаб улус» асарларини айтиш мумкин. Айниқса, алломанинг бундан 560 йил муқаддам ёзган «Зиқи Курагоний» астрономик жадвали дунё фанида ноёб ҳазина саналади. Мазкур асарда 1018 та юлдуз ҳудуд батофили маълумотлар берилган. Асар 4 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда шарқ халқларининг йил ҳисоблаш усуллари баён этилган. Иккинчи қисм амалий астрономия масалаларига бағишланган, унда осмон jismlari-

-2-

нинг координатларини топиш усуллари, уларнинг ҳаракатлари, яъни ўз ўқи атрофида ҳамда бошқа бир сайёра атрофида ва уларнинг марказий ўқ атрофида айланишларига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек жадвалда меридиан чизигини ўтказиш, қўла азимутини, йил давомидаги аниқлаш ва бошқа фикрлар билдирилган.

Мазкур жадвал нисбатда мукамал асар ҳисобланади, чунки у нисбатда аниқлик билан ёзилган. Масалан, унда қуёш йилномасига асосан бир йил 365 кун 6 соат 10

Фан

ЖАҲОН ТАН ОЛГАН АСАР

«Зиқи Курагоний» жадвали яратилганга 560 йил тўлди

дақиқа 8 сония дейилган. Ҳозир, яъни атом, компьютер асрида ҳам бу санок 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сония ҳисобланади. Эътибор берсангиз, Мирзо Улугбекнинг илми бундан 560 йил муқаддам бор-йўли 1 дақиқа 2 сонияга фарқ қилган. Мазкур кўрсаткич, яъни фарқ олинмиш салохияти қанчалик юқорилигини кўрсатади.

Жадвалнинг учинчи қисмида сайёраларнинг қўрним ҳаракатлари геомақказ тизими асосида шарҳланган. Унда Қуёш ва Ой ҳаракатлари нисбатда аниқликда ҳисобланган, у ҳозирги космос асримизнинг кўрсаткичлари билан атиги 32 сонияга фарқ қилади. Асарнинг тўртинчи қисмида 12 юлдуз тадқиқотларига катта эътибор қаратилган.

Афсуски, мазкур асар ўз даврида муносиб баҳоланмади. Фақатгина Мирзо Улугбек вафотидан сўнг ў дастлаб Европа илм-фанининг ривожланишига асос бўлди. 1643 йили Оксфорд университетининг олими Гревс томонидан жадвал нусхаси нашр этилди. Поляк астроном Ян Гевелиннинг латин тилида нашр этилган «Юлдузлар осмонининг атласи» асарида Мирзо Улугбекнинг ижодида катта

-3-

ўрин берилган. Шунингдек, аллома меросини француз астрономлари Даламбер, Сейдлий, немис астрономи Петер ва бошқар атрофида ўрганилган ҳамда бу ҳақда ўз асарларида тўхталдилар.

«Зиқи Курагоний» асари кўпгина тилларда Европа ва Америка қитъаларининг турли мамлакатларида тақрир-тақрир чоп қилинди. Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Европа мамлакатларининг кўпгина олимлари Мирзо Улугбек тадқиқот усулларида фойдаланган, ўзларининг шарт-шароитларига мослаб унинг расадхоналарига қўйиб, расадхоналар қурдилар. Мирзо Улугбек фанда қўзатиш услубига ва асбобларнинг ўрнини асосий эканлигига катта эътибор берган, илмий ҳақиқатини очилда математик, механик воситалар ва мантқий мушоҳада ролини алоҳида қайд этган олимдир.

«Зиқи Курагоний» жадвалига тўхталганимизга сабаб, унда ифодаланган сайёралар ҳаракати йўналиши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Урозбоев номи Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги илмий-тадқиқот институтининг механизми ва машиналар назарияси тахрибхонаси билан Кимё илмий-тадқиқот институтининг нефтни қайта ишлаш жараёнлари тахрибхонасининг ўзаро ҳамкорлигига асос бўлди. Чунки мазкур асарда илгари сурилган ғоялар, ҳусусан сайёраларнинг ўзаро ҳаракатига асосланиб, нефть ҳўжалиги учун аҳамиятда молик аралаштириш яратилди. Бизга маълумки, нефть бу динамик қуввиқоқлиги юқори бўлган моддалар тоифасига кирди. Уни библиотетар узатмага асосланган аралаштириш ёрдамида аралаштирса нефть ҳўжалигида катта ютуқларга эришиш мумкин. Академик Зокирхон Салимов раҳбарлигида яратилган мазкур аралаштиришнинг моделини «Ўзэкспомарказ»да шу йилнинг май кунларида таъқиқланди. «Нефть ва газ—97» халқаро қўрама павильонларининг бирида намойиш қилиш режалаштирилган.

Абдиназар НУРМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

• Ҳисоб-китобларга кўра саванналарда яшайдиган жирафа, зебра, ангул (антилопа) ва бошқа тўғилки жониворларнинг тирик вази ҳар гектар ерга чақилганда 15 килограммдан ошмас экан. Ўша жониворлар билан ёнма-ён яшайдиган қирчмоллиларнинг умумий вази эса ҳаддан ташқари юқори бўлиб, гектарига 400 дан 800 килограммгача тўғри келади.

• Қирчмоллилар масофага ахборот узатиш бўйича ўзига хос сим қоқуш ҳусусиятига эга. Шу усулдан фойдаланиб улар ўз қариндошларига яқинлашиб келадиган хавф-хатар ҳақида ўзоқ масофадан турли хабар қиладилар, яъни ер ости йўлаклари деворига бошларини уриб, хатарли сигнал узатадилар.

• Жанубий Америкада яшайдиган чумолилар худди асалариларга ўхшаш асал тўплаш ҳусусиятига эга. Фақат улар ўз асалани қоринчасида сақлайди. Бу ҳашаротлар чумолилар уясининг алоҳида бурчакларида яшайдилар. Бошқа чумолиларга овқат еттишмай қолгандагина захирадagi асални ишлатар экан.

• Бир килограмм асал тўплаш учун асалари ўз уйига 50 улуш (порция) нектар келтириши керак. Бунда ҳар бир улушнинг вази ари танасининг ярим вазига тўғри келади. Бунинг учун ари 300 минг гул гунасига қўниб ўтиши ва бир кунда 20 нақирим масофани босиб ўтиши керак.

Биласизми?

ҲАШАРОТ ОПАМИ

• Барг қирқадиған қизил чумолининг танасида ўсимлик ўсишини жадаллаштирадиган тероаксин модда топишган. Унинг чумоли танасидаги миқдори 1-6 фоизгача бўлади. Мазкур чумолилар ўз озуқаси ҳисобланган замборун ўстириш учун ана шу моддадан фойдаланар экан.

• Қалаҳара чўлида яшовчи Африка бушменлари оч қолган чоғларида чумоли инларини излашга отланадилар. Одатда улар ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг ана шундай овға чиқадилар. Гап шундаки, тропик худудининг ўта кучли ёмғирдан чумолиларнинг тўплаган озуқалари — ўсимлик уруғлари намикиб, қириб кетиши мумкин. Шунинг учун қуёш чиқishi билан чумолилар ўз озуқаларини шамоллатиш мақсадида ташқарига чиқазадилар. Шунда очикқан бушменлар ўсимлик уруғларини йиғиб-тегиб оладилар ва уларни ўғирда янчиб, унга айлантирадилар.

• Тирик мавжудотлар орасида баъзи бир муносабатлар жуда ҳам қизик. Масалан, халқ табибатида қон босимига қарши зулук солиш қадимдан одат бўлган. Бунда бемор ҳақиқатан ҳам ўзини бирмунча енгил сезади, чунки ҳаром қонни зулук солиш олдидеб тушунқлади. Аслини олганда сўриш жараёнида зулукнинг сўлак безларидан зерудин деган оқсим модда акралаб чиқади ва у қоннинг ивишига қаршилиқ кўрсатади. Демак, зерудин бир томондан қоннинг сўрилушига ёрдам бериб, иккинчи томондан бу модданинг бир қисми бемор қонига ўтиб, уни маълум даражада союлтиради ва натижада томирлар бўйлаб қоннинг айланиши тезлашади ва бемор ўзини анча енгил сезади.

• Баъзи бир қалапак турлари ўзларининг ашаддий қушандарли бўлиши қўрқалмаклар яқинлашиб келганда чап бериб қоладилар, яъни ульгратовуш чиқариб, душманларини қалтирадилар. Натижада улар йўлидан адашади.

• Австралининг янғовларидан кенг тарқалган гўнг қўнғизлар чорва моллари тезакларини қайта ишлашади. Ҳисоб-китобларга кўра бунда ҳосилдорлик ушбу қўнғизлар иш-тироқисиз олинандиган ҳосил миқдорига қараганда икки баробар зиёд булар экан.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг саргузашт қиссаси асосида пайдо бўлган «Сўнгги ўқ» видео-фильмини кўрган кўп томошабинларда олам-олам фикр-мулоҳаза пайдо бўлганига, улар инкилоб туфайли турли ўлкаларда, дарбадарликда юришга мажбур бўлган Жаҳонгир (артист Ёдгор Саъдиев), Ҳадича (Г. Жамилова) ҳамда уларнинг ҳамқишлоқларининг тақдирларини ўзларича идрок этиб, ниятсизга етказиб қўйганларига ишонаман.

Бу асарни мен илк бор кўрганимда телевидение техникаси ҳамда бадиий имкониятлари

Номзодлар

«СЎНГИ ҲАМ»НИНГ АНИҚ НИШОНИ

дан унумли фойдаланиш учун сценарий мукамал ёзилган бўлиши, унда ҳар оқшом ҳикоя янгида боғланиши кўзда тутилиши, шу билан бирга драматургияда изчиллик, яхлитлик сақланиб қолиши қанчалик зарурлиги ҳақида яна бир бор ўйладим.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳайбатullo Алиев бу ишнинг уддасидан чиққани, анчагина мураккаб композиция яратиб, қаҳрамонларининг руҳияти, ички кечинмаларини воқеалар ривожига таърифлашни кўзда тутиб, асар бобларини бир-бирига улагани маъқул бўлди. У телетомошабин ҳар оқшом телевизор экра-



нида таниш бўлиб қолган чехраларни кўриши, улардаги ўзгаришларни кузатиб бориши, қаҳрамонлар билан бирга қайғуриши, қувониши, воқеаларни идрок этилиши ҳақида ёдга сақлаган. Ҳақиқатан ҳам фақат телетомошабингина (театр ёки кино томошабин эмас), бундай фаоллик кўрсата олиши мумкин, кўп бобли асарни аста ўқиб мағзини чаққандек, телеэкрандаги образларнинг моҳияти, тасвир ва овоз воситаларидаги драматургик «юк» ҳақида ўйлаши, оила аъзолари билан мунозара қилиши, ҳатто ўзича ҳукм чиқариши мумкин.

«Сўнгги ўқ»нинг бу хусусиятини — телеэкранга мослаб яратилганини алоҳида таъкид-

лаб ўтаётганимизга сабаб шуки, теледастурдан ўрин олаётган барча асарларни — кинофильмларни, театр спектаклларини, концертларни — телевидение талабларига жавоб беради, деб бўлмайди. Биз фикр юритаётган видеофильмда эса драматургиядан ташқари актёрлар ижроси, тасвир, монтаж ҳам кичик экранга мосланган. Ижрочилар техникаси мукамал. Улар ўйинида бўрттирилган имо-ишорани, хатти-ҳаракатни учратмайсиз. Зеро роллар устиди ишлаган актёрларга режиссёр видеофильм эстетикасини тушунтира олган. Сезилар-сезилмас имо-ишорани телекамера объективи илғаб олади, йирик планда кўрсатади. Воқеалар содир бўладиган жой ўзгариб туради. Лекин тасвирчининг диққат марказида бевосита образ яратадиган санъаткор — актёр ҳамда уни ўраб олган муҳит: ўзбек наҳадони, бағри кенг дала, тор ва зах авахта... Электрон монтаж воқеаларни бир-бирига изчил улаш ва аниқсиз, фикрлар тўқнашувини, севилганларнинг драматик ўзаро уланган, узвий боғланган ҳолда кўрсатишга хизмат қилган. Шу боис биз бир ҳафта давомидида инкилоб тўғрисида туфайли алғов-далғов бўлган, лекин ўз салобатини, улғуворлигини йўқотмаган юртимизни, унинг фарзандларининг кундалик ҳаётларини қизиқиш билан кузатиб борамиз. Демак, телевидение ва адабиёт олдидида яна бир хизматини айтиб ўтардим. «Сўнгги ўқ»нинг муваффақияти миллий адабиётимиз намуналарига мурожаат этиб кўндан-кўп телеасарлар яратиш йўли-

ларидан бирини кўрсатди. Ҳазрати Алишер Навоий шеърини ҳамда халқ оғзаки ижодиёти заминидида, севики адибимиз Абдулла Қодирийнинг насрий асарлари ҳамда Истиқлол туфайли бизга қайтариб берилган Чўлпон, Фитратнинг китоблари асосида телефильмлар, видеофильмлар, телеспектакллар барпо этилиши маънавий-эстетик юксалтиришга хизмат қиларди.

Ҳа, «Сўнгги ўқ»нинг телевидение олдидида ҳам, телетомошабин олдидидаги хизматлари катта. Ойнаи жаҳоннинг бу ажиб мулки Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотида тақдим этилгани санъат илҳомсозларини шод этди.

Шоира ИБРОҲИМОВА.

◆ Ижодкорнинг вазифаси кишилар дилига эзгулик уруғини сочиш экан, шу уруғнинг униб чиқишини кўришдан ҳам зўр бахт борми!

◆ Кўтароламани деб иккилашиб ўтирмай ел-кага вазмин юк қўйиб, баландрок чўққини кўзлаб бораверган маъқул экан. Умуман яхши таваққулсиз бирон жиддий натижага эришиш амри маҳол!

◆ Одамлар борки, уларнинг кетидан шўхрат қувиб юради. Одамлар борки, шўхрат кетидан кува-кува қоқилиб, мункиб кетганини билмай қолади.

◆ У бировларнинг битиб турган ишига аралашади-да, кейин шу ишни мен битирдим, деб қериб юради.

Ибратнома

ҲАКИМ НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗГА БАХТДА ЎЗ БАХТИНГНИ ТОП

◆ У мактов кутади. Ҳеч ким мактамагандан кейин, ўз-ўзини макташга тушади.

◆ Илҳом гўйибдан келадиган бир ҳаёлий нарсамас, балки меҳнатга муҳаббат, иштиёқ, қўнғидир.

◆ Ёзувчилик — бу истеъдод намоиши бўлибгина қолмай, ижтимоий бурч ҳамдир.

◆ Сал ўзисиз босинг, иним. Камтарлиқни унутманг. — Нима, тил қисқикли жойим борми, домлажон? — Йя, камтарлиқни тил қисқикли деб тушунасизми?

◆ Одамларда бемехрликни келтириб чиқараётган бош офат — бағритошлиқдир.

◆ Сенга кўнгли эшигини очмаган одамдан яхшилик кутма.

◆ Аксари бахтсиз одамлар ўз бахтсизликларини бировлардан кўришади.

◆ Илтимосга қўнғил қолмасин. Оғир бўлса ҳам ўз қўнғинга суяниб яшашга не етсин.

◆ Ҳақиқий тadbиркорлик — чин инсонийлик белгиси деганимизда, бир муҳим жиҳатни эътибордан қочиришга керак: тadbиркорлик қилишдан мақсад қанақа — фақатгина ўз манфаати, ўз шўхратини қўлашми, ё жамият манфаатини ҳамми?

◆ Бирликсиз, ҳамжиҳатликсиз мурод ҳосил бўлмайди. Ахир халқани халқа тутиб турмаса, занжир узилади-да.

◆ Ҳаётнинг силлиқ ўтмаган бўлса ҳам, аммо мазмунли ўтганига минг қатла шўхр қилавер.

◆ Одамнинг ҳулқ-атвори, маданий даражаси биринчи галда аёлларга муносабатда аён бўлади.

◆ Азиз ошнам! Ўз хотинингни «Мевасиз дарах» деб қамситдинг. Мевасиз дарахлар ичида шарқнинг улуг даҳоларига олам-олам илҳом берган арувон, сарв, чинорлар ҳам борлигини унутма!

◆ Қариганинг ҳам ҳаётга муҳаббатини сови-магани маъқул. Шу нарса сени узоққа етказди.

◆ Бировнинг бахтида ўз бахтини тополган — бахти.

◆ Хотин рўзгор гулидир, хотинсиз рўзгор — чўлдир.

◆ Устунга суянсанг биллиб суян — ахир ноёб бўлса у билан бирга қулайсан.

◆ Ўзидан баланднинг товоғини ялайди, тенги-га бўй бергиси келмайди, ўзидан пастроқни эса босиб ўтади.

◆ Ўзингга раво кўрмагани бировга раво кўришинг инсофданмас.

◆ Бой деб меъдаси тўқ, нафси тийиқ одамнигина биланман.

◆ Ҳақиқий ижодчи ижодхона эшигини обғи билан тепиб эмас, қалами билан очиб киради.

◆ Ишларинг юришмаса, бунинг сабабини бировларданмас, ўзингдан ахтариб кўр.

◆ У қўрслигини «тўғри сўзлик»ка қўйиш билан ўз-ўзини юпатиб юради.

◆ Ваҳжати ҳайбатли бўлганидан, атрофидиганларни ўз соясида қолдириб кетади.

◆ Истеъдод худо томонидан одамга хусусий мулк қилиб эмас, кўпчилик манфаатини қўлаб берилган.

ГАЙРИОДАТИЙ БОҒ

Америкалик Стив Керчер дунёда гаройиб ҳайвонот боғини очди. Бу жойга ер юзининг турли бурчакларида яшайдиган қурт-қумурсқалар тўпланган. Ҳайвонот боғига келувчилар ҳайратга тушмоқдалар. Айниқса, гайриодатий бу боғга Голливуддан Керчер йўлмаларидаги қирқ минг чу-

моли ва йигирма минг ниначини сурагга олиш бўйича илти-

Ажойиботпар

мослар келаётгани кишини ажаблантиради.

ОЙНАГА КИМ КЎП ҚАРАЙДИ?

Бу саволга барча бир овоздан, албатта, аёллар, деб жавоб бериши табиий. Аммо швед

руҳшунослари бунинг аксини иб-ботладилар. Улар супермаркетлардан бирига катта қўзғу ўрнатиб, унга яширин видеокамера жойлаштиридилар. Камера кун бўйи ойнага қаровчиларни олди. Натижа қўнғиланидан ҳам қизиқ чикди. Бутун кун мобайнида 412 хотин-қиз ойна олдида тўхтаб ўпа-элик суртиб пардоз қилган. 778 нафар эркак соч-соқолини тартибга келтирган.

Дилдора РИЗАЕВА.

«Меъмор» студияси ижодкорлари тарихий мавзуга қўл уриб, халқимизнинг буюк саркардаси, соҳибқирон бобомиз ҳақида «Буюк Амир Темур» деб номланган кинонаасар яратдилар. Исмаил Эргашев бошлиқ ижодий жамоа суратга олган бу фильмда бош ролни истеъдодли театр ва кино актёри Бехзод Муҳаммадқаримов ижро этди.

— Бехзод, соҳибқирон Амир Темур образини яратиш жараёнини қандай кечгани ҳақида сўзлаб берсангиз...

— «Буюк Амир Темур» деб номланган мазкур фильмда XIII—XIV аср воқеаликлари тасвир этилиб, Темирнинг тахтга ўтириши, ҳаётининг айнан қамолот даври 20 ёшдан 34 ёшгача бўлган даври қамраб олинган.


Ўша даврнинг зиддиятли муҳити, тахт учун кураш, ички ижтимоий низолар фильмнинг мазмунини ташкил этади. Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг ҳаёти тафаккур олами фалсафий қизғиларда баён этилган. Унинг инсоний хислатлари, характердаги ижобий ва салбий томонлари очиб берилди. Фильм Самарқандда, Туркманистон чўлиларида, Иссыккўл бўйларида суратга олинди. Асосий ролга 100—200 киши фотосиньорадан ўтказилган эди. Шулардан 15 киши киносиньорага етиб келди. Ёш жиҳатдан уларнинг ичида энг каттаси мен эдим. Омад бу сафар менга қўлиб бокди. Бадиий кенгаш аъзолари меннинг номзодимни тасдиқладилар. Бундан кейинги жараёнлар жуда тезлашиб кетди. Ҳар қандай иқтисодий қийинчиликларга қарамай, фильмнинг биринчи қисми суратга олинди. Ижодимиз мақсулга баҳо бериш томошабинларимизга ҳавола. Буюк бобоклонимиз Амир Темур сиймосини кинода яратганимдан, унга ҳисса қўшганимдан ўзимни бахтли деб ҳисоблайман.

— Бу кинодаги илк катта ролингизми?

— Йўқ, аввал режиссёр Юсуф Розиков суратга олган «Олов қаъридаги фаришта» фильмида Нурали, «Оқ бино оқшомлари»да Аваз, «Ноқдаун» фильмида — Дайир ролларини ижро этганман. Яратган образларимнинг барчаси характеримга тўғри келди. Айниқса, «Ноқдаун» фильмидаги воқеалар ҳаётдан олинган. Амир Темур ролига келсак, актёрнинг ўз яратган роидан ҳончиқчи ҳосил қилдим, дегани

унинг изланишдан тўхтадим дегани. Уни янада мукамал ўйнамас бўлармиди, деб ўйлайман.

— Бехзод, сиз актёрлик санъатидан сабоқ олгансиз. Қолаверса, ўн йилдан ошқ вақт мобайнида Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг актёри сифатида фаолият кўрсатиб келаяпсиз. Бу касбини



танлашингиз сабаби нимада?

— Одамнинг санъатга кириб келиши ҳар хил кечади. Меники дастлаб ҳавас эди, кейин иштиёққа, бориб-бориб мақсадга айланган. Ота-онамнинг ушалмаган ораси санъаткор бўлиш эди. Ана ўша орзу, оиламизда санъатга бўлган қизиқиш, мени театр ва расмчилик ҳозирги М. Уйғур номидаги санъат институтининг драма ва кино актёри факультетига етказди. Ўқишни тамомлагач, йўланма билан Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига ишга келдим. Театр — катта дарғох. Бу ерда кўп нарсаларни ўргандим. Бир қатор образлар яратдим. «Алишер Навоий», «Мирзо Улугбек», «Меҳробдан чаён» спектаклларида бош ролларни ижро этдим. Бунинг учун устозларим Турғун Азизов ва Мунаввара Абдуллаевалардан бир умр миннатдорман.

— Ҳам кинода, ҳам театрда ижод билан шуғулланиш мушкуллик туғдирмайдики?

— Биласизми, кинога қараганда театрда актёр учун барча шароит ва имконият бисёр, театрда томошабин нафат спектакль кўради, у шу спектаклнинг тақомиллашуви, актёр

изладим. Хайратки, томошабин таъсири, руҳиятидаги кўтаринкилик ролимга киришмида далда бериб турди. Театрда актёрга ижодий имконият кенг берилади, томошабин билан яқин мулоқотдан ажойиб қониқиш ҳосил этилади. Кинода эса актёр бутунлай техникага боғлиқ. Унинг бутун иштиёри қаршисидаги аппаратда бўлиб қолади. Бир вақтнинг ўзида ҳам режиссёр, ҳам кинооператор, ҳам овоз операторининг топшириғини бажариш билан бирга образни маромига етказиб ижро этиши керак.

— Бугунги ўзбек киносиди рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мушкул студияларнинг ташкил бўлаётгани кишини қувонтиради, албатта. Режиссёр ва унинг ёрдамчилари озгина кўнг ва ҳафса билан театрларни айланишса, актёрлар ижросини кузатишса фойдадан холи бўлмасди. Чунки истеъдодли ёшларимиз кўп. Уларни кинога жалб этиш керак.

Лекин ҳозир ва кейин ҳам ижодий режа ва мақсадларимиз маънавият, пулга боғланиб қолса, кино ва театр ахли олдида анчагина иқтисодий муаммоларни ечиш вазифаси қўнғил бўлади. Иқтисод масаласи ижодий масала



дан биринчи ўринга чиқиб қолади. Санъатнинг мақсади одамлар қўнғилини олиш, қўтариш экан, у ҳозир айти зарур ва муҳимдир. Хуллас, театр санъати ҳам, кино санъати ҳам ҳимояга доимо муҳтож.

— Бехзод, санъаткор сифатида бирон ижодкорни идеал сифатида кўра оласизми? Тенгдошларингизга, ўзининг ижодига қандай баҳо бера оласиз?

— Нима десам экан? Идеал сифатида айнан бир одамни таллаш олмайдим. Чунки ҳар бир актёр тақдорланмайдиган актёр. Бир-бири бу йўналишда зўр бўлса, иккинчисининг ўз йўналиши бор.

Тенгдошларим — театрда, ўзининг кино санъатида битта бутун бир авлод бор, деб тўла ишон билан айта оламан. Театрда биз, яъни Шавкат Толипов, Фатхулло Масъудов, Ботир Муҳаммаджонов, Фотиҳ Жалолов, Тоҳир Саидов, Равшан Жўраев, Абдурайим Абдувахобов, Рустам Қаримов, Толиб Мўминов, Мадина Мухторова, Махфуза Бобо-туллаева, Зухра Ашурова, Лола Элтоева-ларнинг кино ва театрдаги иқтидорли алақан томошабини муҳтаассислар эътиборига тушган.

— Санъатдан бошқа машғул бўлган соҳангиз ҳам борми?

— Кино ва театрдан бошқа аниқ шуғулланмайдиган касбим йўқ. Оз-моз спорт билан шуғулланаман. Бир пайтлар тижорат билан шуғулланиб кўрдим, лекин эгилмай олмадим. Бунинг ҳам уддасидан чиққан одам қилиши керак экан.

— Ҳаётда қайси ҳикматли сўз ёки мақолга амал қиласиз?

— Мен инсонлардаги тўғрилиқни, ҳалолликни, камтарлиқни улуғлайман. Чунки, дунёда бундай фазилатлардан кўра кўркам-роғини билмайман. Шунинг учун мен «Инсон тўғрилиқ билан улуғликка етади» деган ҳикматга амал қилишга интиламан.

— Қайси фаслни ёқтирасиз?

— Баҳорини... Ўзим туғилган фасл бўлгани учун эмас албатта.

— Шахсий ҳаётингиз ҳақида ҳам жиндек сўзланг...

— Оиламизнинг бошқа оилалардан аж-ралиб турадиган томони йўқ. Турмуш ўртоғим Гузълон ҳам санъаткор. Ҳозир фарзандларимиз Ҳамза, Қўмушхон ва Темурбек тарбияси билан машғул.

— Тилак ва истакларингизни изҳор этсангиз...

— Инсонлар ўртасидаги меҳр ва муҳаббат боқиб бўлсин.

Сўхбатдош
Маъмура РИЗАЕВА.

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳма- ров ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўларди.

У миллий санъатимизни деворий ва дастгоҳли рангтасвирларда қайта жонлантирган, баракали ижод қилиб, шоғирдлар етиштириб «Чингиз Аҳмаров мактабин» яратиб кетган улкан мусаввир эди. У ушбу мактабни ташкил қилиш учун ярим асрдан зиёд меҳнат қилди.

Энг кичик авлоддан бошлаб, барча ёш рассомларга устоз бўлди. Ҳозирги кунда ижод қилаётган истеъдодли ёш рассомлар ва анча улғайиб қолган рангтасвир усталаримиз — Муборак Йўлдошев, Одил Бобожонов, Темур Саъдуллаев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Содиқ Раҳмонов ва бошқалар устозни ҳурмат билан тилга олишаётир.

Чингиз ака ижод майдонига 30-йилларда кириб келди. У Суриков номидаги бадиий институтда таълим олди. Машҳур рассоми Илья Грабарнинг шоғирди эди. Шарқ адабиёти билан танишиб, қадимий қўлёзмаларимиз ва Алишер Навоий ижодига қизиқиб қолди. Илк ижодида оёғрўпача услубда расмлар яратган бўлса, кейинчалик бу йўлдан бутунлай қайтди. Узоқ изланди.

1940-йиллар эди. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик борарди. Шу кўтлуг санага атаб, Алишер Навоий номи билан аталувчи опера ва балет театри биноси қурилишига киришилган. Бу бинонинг қурилиши Чингиз Аҳмаров ижоди учун ўзига хос синов ва катта имтиҳон бўлди. Навоий даври, санъат ва маданият тараққиёти мусаввир Чингиз Аҳмаровни мафтун этиб, уни миниатюра услубидаги ижод йўлига солиб қўйганди. Шу йўлдан чиқмай, бир умр ҳозирги замон Бехзоди сифатида унинг иши давомчиси бўлиб эл-юртга танилди. Чингиз Аҳмаров ушқоқ асарларни катталаштириб, ҳам деворга ҳамда дастгоҳли рангтасвирлар яратиш-

да маҳоратини кўрсатди. Бу ўзига хос кашфиёт, новизод бўлиб, дунёнинг бирор мамлакати рассоми бундай ижод йўлини топмаганди. Деворга қандай тасвир тушса, айнан шу тасвирларни мато, қозғоқ ёки тахтада қўриш мумкин эди.

Ўз ақл-идроки, машқ ва изланишлари билан ижодини Шарқ миниатюра услубларига мослаб олган мусаввир Чингиз Аҳмаров Навоий театри қурилишида бир неча йил ижод қилади. Театр биноси 1947 йилда қуриб битказилганда Чингиз Аҳмаров ярат-

Ёанона

ЧИНГИЗ АҲМАР МАКТАБИ

ган деворий рангтасвирлар ҳаммани ҳайратга солди. Мусаввир Алишер Навоий асарлари асосида театрни беэаганди. Асосан, «Ҳамса»даги бош қаҳрамонлар ҳаётий жонланганди.

Мусаввир шу йиллар орасида деворий расмлари асосида 1945 йил «Ширин портрети»ни дастгоҳли рангтасвирда, миниатюра услубида яратди. Шу портрет ёнидан «Ҳалима Носирова Ширин ролида» асари ўрин олди. Бу иккиси санъат музейига қабул қилиниб, намоишга қўйилганда санъат мухлислари уларнинг ёнидан кетолмай қолишди.

Чингиз Аҳмаров шундан сўнг «Шоира Зулфия», «Нодирабегим», «Шукр Бурхон» — Шох Эдиб ролида», «Амин Турдиев Чингизхон ролида» каби асарлар яратиб, мусаввир дастгоҳли ранг-тасвир уста-

си эканлигини ҳам намоиш этди.


1962 йилда Ўзбекистон халқ рассоми унвони, бир қанча мукофотларга сазовор бўлган мусаввир Алишер Навоий номи адабиёт музейи деворларига шoir асарлари асосида муҳаббатни улуғлаб, шарқона йўналишда тасвирлади. Шу тасвирлар шoir сиймосини яратишга илҳомланганди. Дастгоҳли рангтасвирда нилий бўёқларда Алишер Навоийнинг болалик, ёшлик йилларини акс эттиришга муваффақ бўлиши қўнғилини мамнун этди.

Рассомлик тили билан айтганда, монументал санъат — деворий рангтасвирга бора-бора талаб қучайди. 1969 йилда Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг биринчи қавати, ички деворларига Туронзамин тарихига оид тасвирлар киши эътиборини тортади. Лаҳзаларда халқимиз ҳаёти, Темур ва темирлар даври маданият тараққиёти, кейинги босқинчилик урушлари, халқнинг душманлар билан мардонавор кураши, ватанимиз баҳодирларининг қиёфалари ҳаққоний акс эттирилади. Энг муҳими тасвирлар халқ меросини сақлаб қолишга, рўшноликда яшашга бағишланган. Мусаввир сидқидилдан, ўта пухта тасвирлар яратгани учун ҳамон бешиқаст сақланиб, яхши томоша қилинаётгани қувончлидир.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида у рас-сом мактаби борлиги маълум. Билмадим, бошқалар нима деса десин-у уларнинг биринчиси «Беньков мактаби» бўлса, иккинчиси «Раҳим Аҳмедов мактаби», учинчиси «Чингиз Аҳмар мактабидир». Шу уч мактаб таълимоти ҳаётимизда ўз қуч-қудрати, ижод услубларини давом эттиравериб аниқ. Айни пайтда мусаввир абадиятининг асоси ҳам шунда.

Махмуд АХМЕДОВ.

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтини илмий ходими.



Пойтахтимизнинг Мировод туманидаги Муқимий номи 154-мактабда 25 йилдан буён ёш авлодга математикадан сабо

